



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG'OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021 -yil 14 - aprel

7694 -son

Bog'ot shaharchasi

Фуқаро Раҳимова Гуласал
Махсудовнанинг хонадон биносига
бўлган эгаллик ҳуқуқини белгилаб бериш
тўғрисида

Янгиариқ тумани “Арбоблар” маҳалласида яшовчи фуқаро Раҳимова Гуласал Махсудовнанинг Богот шаҳарчаси “Абу Райхон Беруний” маҳалла “Табобат” кўчаси 34-уй 1-хонада жойлашган хонадон биносига бўлган эгаллик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 12 апрелдаги ШЯ-Р-1667-сонли аризасини, Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилоят бошқармасининг Богот туман филиалининг 2021 йил 7 апрелдаги 1177-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Богот туман ҳокимининг 2019 йил 10 декабрдаги 6448қ-сонли қарорига, “Қишлоқ қурилиш инвест” масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси Хоразм вилоят филиалининг қабул қилиш топшириш бўйича имзоланган № 1-сонли авизоси, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва хонадонларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Богот тумани “Абу Райхон Беруний” маҳалласи 34-уй 1-хонада жойлашган 5 (беш)та хонадан иборат, яшаш хоналари 2 (икки)та бўлиб, ички ўлчами 23,87 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 16,94 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 40,81 квадрат метр ушбу хонадон биносига нисбатан фуқаро Раҳимова Гуласал Махсудовнага мулк ҳуқуқи асосида унга эгаллик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Раҳимова Гуласал Махсудовнага ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу хонадон биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

Богот тумани ҳокими

Ш.Яхшибаев